

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КЕНЖАЕВ ИЛҲОМ ҒИЁЗОВИЧ

**СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ
ЖОЙЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Iqt805 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шеннаев Хўжаёр Мусурманович**
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Олимжонов Одил Олимович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хамидулин Михаил Борисович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент Давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги ___рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида иқтисодий инновацион ривожлантириш ва шу асосда унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун унга биринчи навбатда етарли даражада инвестиция киритиш зарурлиги тажрибадан ўтган ва ўзини оқлаган усул ҳисобланади. Жаҳон иқтисодий амалиётида инвестициялар бўйича даромад нормаларини ҳисобга олган ҳолда суғурта тўловларини дисконтлаштириш хос бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича операцияларни амалга оширишда Европа давлатларининг ихтисослашган суғурта ташкилотлари учун инвестиция фаолиятдан даромад олиш муҳимдир. Мазкур суғурта ташкилотларида ликвидлик масаласи иккинчи даражали ҳисобланади, чунки суғурта ташкилотларига жалб қилинган маблағлар асосан узок муддатли маблағларни ташкил қилади. Англия суғурта ташкилотларининг активлари таркибини олиб қарайдиган бўлсак, уларда “давлат қимматли қоғозлари, маҳаллий органларнинг қимматли қоғозлари ва чет эл қимматли қоғозлари 25 фоиз атрофида, компанияларнинг қимматли қоғозлари 30 фоиздан ортиқ, ссудалар ва ипотека кредитлари 2-5 фоиз, қўчмас мулкка қўйилмалар 3-5 фоизни ва бошқа соҳаларга 35 фоиз атрофида маблағлар йўналтирилади”¹.

Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича халқаро амалиётда кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар суғурта ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу дунё амалиётида икки хил ёндашувни ўз ичига олади. Биринчиси Европача ёндашув бўлиб, ушбу ёндашув суғурта фаолияти инвестиция фаолиятини ҳисобга олмаган ҳолда даромадли натижага эришиш шарт эканлигини кўзда тутса, иккинчиси Америкача ёндашув бўлиб, ушбу ёндашувда суғурта фаолиятдан зарар кўрган тақдирда ҳам инвестиция фаолиятдан олган даромадлари ҳисобидан фаолият кўрсатиши мумкинлигини кўзда тутлади. Лекин бугунги кунда халқаро амалиётда суғурта ташкилотларини молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблар асосида шакллантириб, суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш сифати ва самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий

¹<https://www.louisepryor.com> - Enhanced capital requirements and Individual Capital Assessments Insurers; Comite Europeen des Assurances.pdf

килиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”² устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишга асосланган сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблари асосида шакллантириш ва суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли ““Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПҚ-3317-сонли “KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сонли “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишнинг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлар Баутов А.Н., Гварлиани Т.Е., Балакирева В.Ю., Гомелля В., Гребенщиков Э.С., Едророва В.Н., Мизиковский Е.А., Фролова В.В., Прокофьева Е.Л., Сирцов О.В., Янов В.Э., Мазанова Е.В., Каменская Н.Ю., Мак Т ларнинг³

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

³Баутов А.Н. Прогнозирование и управление инвестициями страховых организаций на фондовом рынке//Страховое дело 2004 №1 с.2-8.; Гварлиани Т.Е., Балакирева В.Ю. Денежные потоки в страховании. Москва, Финансы и статистика, 2004 с.336.; Гомелля В. Очерки экономической теории страхования. Москва, Финансы и статистика, 2010 с.352.; Гребенщиков Э.С. Инвестиционная составляющая страхового бизнеса: новые источники и возможности.//Финансы 2005 №3, с.30-34.; Едророва В.Н., Мизиковский Е.А. Учет, оценка доходности и анализ финансовых вложений. Москва, Магистр: ИНФРА-М 2011 с.316.; Фролова В.В. Управление инвестиционной деятельностью Российских страховых компаний. Автореферат дисс на соис. учен. степ. к.э.н. – Краснодар, 2013. – с. 27.; Прокофьева Е.Л. Инвестиционные возможности страховых компаний: монография. Абакан: Издательство Государственного Университета Хакасии, 2008. с.112.; Сирцов О.В. Методы прогнозирования, анализ инвестиционных возможностей страховых компаний. Автореферат дисс на соис.учен.степ. к.э.н. – Москва, 2009.– с.20.; Янов В.Э. Оптимизация и регулирование,

илмий ишларида тадқиқ қилинган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Боев Ҳ.И., Ғуломов С.С., Боев Ҳ.И., Боева Ж., Ҳусанов Р.Ҳ., Ядгаров А.А., Ходжаева М.Х., Асқарова М.Т., Баймуратов Т.М., Нуруллаев А.С., Шеннаев Х.М., Ашрафханов Б., Мирсадиқов М., Қўлдошев Қ.М., Абдурахмонов И.Х лар суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишнинг баъзи йўналишларини таҳлил қилишган. Бироқ, суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишнинг комплекс муаммолари мамлакатимизда алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган⁴.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида ҳамда ОТ-Ф1-54. “Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари” мавзусидаги давлат гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштиришнинг замонавий ҳолатини таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини шаклланиш манбаларини ва уларни жойлаштиришнинг иқтисодий моҳиятини ўрганиш;

суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини молиявий механизмнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш;

суғурта ташкилотини инвестиция фаолиятининг иқтисодий моҳиятини

организация принципов инвестиционной деятельности страховых компаний. Автореферат дисс на соис. учен. степ. к.э.н. – СПб, 2001.– с.23.; Мазанова Е.В. Статистический анализ инвестиционных возможностей страховых компаний. Автореферат дисс на соис. учен. степ. к.э.н. – Оренбург, 2008. – с.25.; Каменская Н.Ю. Реформа страхового надзора в Европейском союзе //Страховое дело 2012, №6 с.51-54.; Мак Т. Математика рискованого страхования //перев. с англ. Курносой Е.Москва Олимп-Бизнес, 2005 с.418.

⁴Боев Ҳ.И. Суғурталаш. Тошкент, Адабиёт жамғармаси нашриёти 2005, 75 б; Ғуломов С.С., Боев Ҳ.И., Боева Ж. Валюта, кредит, молия ва суғурта муаммолари.Тошкент, мехнат 1998, 116 б; Ҳусанов Р.Ҳ., Ядгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими. Т.: Янги аср авлоди-2005, 79 б; Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2001, 30 б; Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан. Автореферат дисс на соис. учен. степ. к.э.н. - Институт экономики АН РУз, 2003. с.32; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2004, 25 б; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш масалалари. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2007, 28 б; Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма.Т.:infoCOM.UZMЧЖ, 2010, 206 б; Ашрафханов Б., Мирсадиқов М. Развитие страхового законодательства Республики //Рынок, деньги и кредит.Т.:-2002 № 11-12, с.30.; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. Ўқув қўлланма.Т.:Молия-иқтисод. 2011, 65 б; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2010 й. 26 б.

очиб бериш ва иқтисодий мазмунининг ўзига хос томонларини тадқиқ этиш;
суғурта ташкилотини инвестиция фаолиятининг иқтисодий табиатини ўрганиш;

суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмини тадқиқ этиш ва суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини бошқариш тизимига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳо бериш;

суғурта ташкилотларининг таснифига оид бўлган илмий ва амалий ёндашувларга таъриф бериш, уларни инвестиция фаолиятининг мақсадлари учун қўллаш имкониятини аниқлаш ва кейинчалик таснифлашнинг методикасини ишлаб чиқиш;

чет эл мамлакатларида суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш борасидаги тажрибаларини ўрганиш асосида уларни Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти билан таққослаш асосида фарқли жиҳатларини аниқлаш;

суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини бошқаришда аутсорсинг тизимини қўллаш учун концептуал ёндашувларни аниқлаш, бошқарувчи компания танловини ўтказиш учун методик базани ишлаб чиқиш;

чет эл мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида гуруҳлаш, қиёслаш, мантиқий ва таркибий таҳлил, синтез ва коэффициент усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғурталовчилар ўз таъсисчиларига, акциядорларига ва ходимларига қарз бериш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш бўйича қарз маблағини бериш тартиби таклиф этилган;

суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини самарали бошқаришда аутсорсинг тизимини қўллаш орқали концептуал ёндашувларни аниқлаш, бошқарувчи компания танловини ўтказиш механизми таклиф этилган;

суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини экспресс-диагностикасини ўтказишда инвестиция қийматини маржаси, яъни инвестиция даромадда соф даромаднинг улуши, инвестиция даромади, инвестиция даромадларининг инвестиция харажатларига нисбати коэффициенти, инвестиция харажатларининг инвестиция даромадларига

нисбати коэффициентини нисбий кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган;

суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича инвестиция портфелини бошқаришнинг сифат кўрсаткичлари, инвестиция қўйилмалари рентабеллигини ошириш кўрсаткичлари, инвестиция портфелини ташкил қилувчи активларнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичлари, инвестиция фаолияти натижаларига боғлиқ бўлган молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

суғурта ташкилотининг инвестиция имконияти тушунчасига такомиллаштирилган муаллифлик таърифи берилган;

суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда инвестиция фаолиятини муҳим ўрин тутиши, ушбу фаолиятдан келадиган даромад суғурта ташкилотининг асосий даромад манбаига айланиши зарурлиги ва бу суғурта хизматлари баҳосини пасайтириш имконини бериши, мазкур амалиёт чет эл мамлакатлар тажрибасида самарали қўлланилаётганлиги асосланган;

суғурта ташкилотларини инвестиция фаолиятининг аҳамиятини белгилаб берувчи макро ва микродаражадаги омиллар аниқланган ва асослаб берилган;

инвестиция активларининг ликвидлиги билан уларнинг даромадлиги ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш инвестиция активларининг самардорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган;

суғурта ташкилотларини молиявий ресурсларини жойлаштиришнинг такомиллашган тизими ишлаб чиқилган ва унда инвестиция фаолияти учта босқичга ажратилиб, ушбу босқичларда амалга ошириладиган вазифалар аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта ташкилотларининг расмий эълон қилинган маълумотлари ва молиявий ҳисоботлари, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги, ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли суғурта ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўлларига бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган, илмий таклифлар ва амалий тавсияларни суғурта ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилиши, суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

суғурталовчилар ўз таъсисчиларига, акциядорларига ва ходимларига қарз бериш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилинган. (“ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2018 йил 19 октябрдаги 01-01/3733-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида компания томонидан 2018 йил 30 майда “Компания ходимларига қарз маблағи бериш тартиби” тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Ушбу тартиб жорий этилгандан сўнг суғурта ташкилоти томонидан ходимларига берилган қарз маблағлари 565 млн. сўмга етган;

суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни сифати бўйича экспресс-диагностика ўтказиш учун нисбий кўрсаткичлар тизими бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилинган. (“ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2018 йил 19 октябрдаги 01-01/3733-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф амалда қўлланилиши натижасида суғурта ташкилотининг инвестиция қўйилмалари миқдори 2018 йилнинг 9 ойлигида 55,3 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 146,5 фоизга ошган. Инвестиция фаолиятидан олинган даромадлар миқдори 143 фоизга ошиб, 3,3 млрд.сўмни ташкил этган;

суғурта ташкилотларининг инвестиция ресурсларини аутсорсинг асосида жойлаштириш бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилинган. (“ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2018 йил 19 октябрдаги 01-01/3733-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф суғурта ташкилотининг молиявий ресурслари самарадорлигини ошириши ва у томонидан бошқарувчи компанияни танлов асосида танлаб олиш имконини берган;

суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари тизимини шакллантириш бўйича берилган таклиф “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилинган. (“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 23 ноябрдаги 01-01/4086-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида суғурта ташкилотининг инвестиция қўйилмалари миқдори 2018 йилнинг 9 ойлигида 53,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,6 фоизга ошган. Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан

олинган даромадлари миқдори 211,4 фоизга ошиб, 8,5 млрд. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 24 та, жумладан 17 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Суғурта ташкилотларида молиявий ресурсларни жойлаштиришнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган бўлиб, суғурта ташкилотларида молиявий ресурсларни жойлаштиришнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда суғурта ташкилотларида молиявий ресурсларни жойлаштиришнинг назарий асослари бойитилган ва суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш устидан давлат назоратининг зарурлиги ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва шу асосда унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун унга, биринчи ўринда, етарли даражада инвестиция киритиш зарурлиги жаҳон амалиётида тажрибадан ўтган ва ўзини оқлаган усул ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун ҳам иқтисодиёт соҳаларини жадал ривожлантириш ҳамда таркибий ўзгартириш борасида йирик миқдорда инвестицияларни жалб этиш ўта муҳим ҳисобланади. Бундай ҳажмдаги инвестициялар ҳам ички, ҳам ташқи инвестицияларни фаол жалб қилиш эвазига таъминланиши мумкин. Мамлакат ичкарисидаги мавжуд инвестиция имкониятларини тўлиқ ишга солиш ҳамда ташқаридан мумкин қадар кўпроқ инвестициялар жалб қилиш

учун мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш давлат олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Қулай инвестиция муҳитини яратишнинг муҳим шартларидан бири инвестиция учун йўналтириладиган молиявий ресурсларнинг самарадорлигини таъминлашдир.

Мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариб бориши иқтисодиётнинг долзарб муаммоларини, жумладан инвестиция билан боғлиқ масалаларни мунтазам қайта кўриб бориш ва илмий тадқиқ этишни талаб этади.

Шунингдек мамлакатдаги инвестиция фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш, унинг ҳажмини кўпайтириш ҳамда самарадорлигини таъминлашда суғурта хизматларининг ҳамда суғурта ташкилотларини инвестиция фаолиятининг ривожини муҳим аҳамият касб этади. Чунки инвестиция фаолиятида суғурта ташкилотлари икки хил вазифани, яъни Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган ташқи ва ички инвестицияларни турли рисклардан суғурталаш ҳамда инвестор сифатидаги фаолиятни амалга оширади. Инвестиция қўйилмаларининг самарадорлиги ушбу қўйилмалардан олинган фойдага асосланиб баҳоланади.

Ушбу жадвал маълумотлари орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотининг миқдори ва ўсиш суръатлари иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар миқдорини таҳлил қиламиз ва тегишли хулосаларни чиқарамиз(1-жадвал).

1-жадвал

Инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси⁵

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2013	2014	2015	2016	2017
1.	ЯИМ (млрд.АҚШ долларида)	57,7	63,1	66,9	67,4	59,1
2.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд.АҚШ долларида)	13,7	15,2	16,2	16,2	13,4
3.	Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан (% да)	12,1	9,9	9,6	7,7	20,4
4.	ЯИМ нинг олдинги йилга нисбатан реал ўсиши, (% да)	8,0	8,0	7,9	6,2	4,5
5.	ЯИМда инвестициялар улуши, (% да)	23,7	24,2	24,3	24,0	22,6
6.	ЯИМ кўшимча ўсишининг капитал сиғимкорлиги – ICOR (<i>Incremental capital Output Ratio</i>)	3,1	3,0	3,1	3,9	5,0

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган даврда ЯИМнинг капитал сиғимкорлигини акс эттирувчи ICOR⁶ самарадорлиги кўрсаткичи 2013 йилда 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу

⁵ Давлат статистика кўмитасининг 2019 йил 4 февралдаги №01/3-01-19-95-сонли хатининг иловасида келтирилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

⁶ Изоҳ: ICOR (*Incremental capital Output Ratio*) коэффициенти асосий капиталга қўйилган маблағларнинг келгуси йилда ЯИМ нинг ўсишига таъсирини аниқлашга имкон беради ва ЯИМ да инвестициялар салмоғининг кейинги йилдаги ЯИМ нинг кўшимча ўсиш суратига нисбатини ифодалайди.

кўрсаткич 2017 йилда 5,0 фоизни ташкил этган. Бунда ICOR коэффициентини ҳисоблаш методига асосланиб, даромад ўсишининг капиталга нисбати кўрсаткичи ўтган йилги ялпи инвестицияларнинг (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати сифатида аниқланади. Бошқача сўз билан айтганда, ўтган йилги инвестициялар ҳажмининг ортиши жорий йилдаги ЯИМнинг ўсишида кўринади. Тадқиқ этилаётган даврда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган ўртача 3,6 сўмлик инвестициялар ЯИМнинг кўшимча 1,0 сўмлик ўсишини таъминлаган. Жаҳон амалиётида ва хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатини таъминлаш учун бу кўрсаткичнинг нисбати 2,5:1 дан 3:1 оралиғида баҳоланади. Шунинг учун мамлакатимизда инвестиция фаолиятида ўз ўрнига эга бўлган суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш мазкур кўрсаткичнинг Жаҳон банки меъёрларига тенглашишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда дунё олимларининг “Инвестиция имконияти” атамаси тўғрисидаги қарашлари таҳлил қилинган ҳолда ушбу тушунчага муаллифлик таърифи берилган. Муаллифлик таърифга кўра, суғурта ташкилотининг инвестиция имконияти молиявий имкониятнинг таркибий қисми эканлиги ва у икки қисмдан иборат бўлиб, суғурта ташкилотининг ўз маблағлари ҳамда экзоген ва эндоген мажмуали омиллар таъсири билан боғлиқ бўлган маблағларни ташқаридан жалб қилиш имкониятидан иборат эканлиги асослаб берилган.

Мамлакатимизда бугунги кунга қадар суғурта бозори етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли бозорда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари йирик институционал инвестор даражасига етмаган. Ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларида катта микдордаги молиявий ресурсларга эга бўлган суғурта ташкилотлари банклар ва пенсия фондлари билан бирга йирик инвестор сифатида фаолият кўрсатмоқда (2-жадвал).


2-жадвал

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти тажрибасининг қисқача шарҳи⁷

Мамлакат номи	Суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари
Германия	Суғурта ташкилотлари мамлакат иқтисодиётидаги инвестицияларнинг 25 фоизини таъминлайди ва суғурта ташкилотларининг инвестиция даромадлари жами даромадларнинг 1/5 қисмини ташкил қилади
Швецария	Суғурта ташкилотлари активларининг ярмига яқини ссуда ва инвестициялар шаклида облигацияларга жойлаштирилади.
Япония	Аҳоли маблағларини фаол жалб қилиш учун ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари хизматларидан самарали фойдаланилади. Аини пайтда улар йирик инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда устувор ҳуқуққа эга.
АҚШ	Алоҳида олинган штатлар инвестицияларнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, улар инвестицияга эҳтиёжи юқори бўлган миллий иқтисодиёт соҳаларига молиявий ресурсларни суғурта ташкилотлари томонидан жойлаштирилишини рағбатлантирувчи иқтисодий меъёрларни белгилаши мумкин.

⁷ Фролова В.В. Управление инвестиционной деятельностью Российских страховых компаний. Автореферат дисс на соис. учен. степ. к.э.н. – Краснодар, 2013.

Суғурта ташкилотлари даромадининг кўпайиб бориши уларнинг инвестиция фаолиятини кенгайтириб боришига имконият яратади. Шундан келиб чиқиб биз, ушбу расмда суғурта ташкилотларининг даромад манбаларини қуйидагича тасвирладик (1-расм).



1-расм. Суғурта ташкилотларининг даромад манбалари⁸


1-расмда суғурта ташкилотларининг даромад манбалари келтирилган бўлиб, улар учта қисмга ажратилганлигини кўришимиз мумкин. Улар суғурта фаолияти билан боғлиқ тўғридан-тўғри даромадлар ва қўшимча

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

инвестиция фаолияти билан боғлиқ даромадлар ҳамда бошқа фаолиятдан олинган даромадларни ташкил этади.

Суғурта ташкилоти томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар хажми тўпланган суғурта мукофотлари, устав капитали, тақсимланмаган фойда, резерв капитали, қўшилган капитал ҳамда бошқа жамғарма фондларнинг ҳажмига боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб биз суғурта ташкилотларининг инвестиция маблағлари манбаларини қуйидагича тасвирладик (2-расм).



2-расм. Суғурта ташкилотларини инвестиция маблағларининг манбалари⁹

2-расмда суғурта ташкилотларини инвестиция маблағларининг манбалари сифатида устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ҳамда жамғарма фондлари келтирилган. Ушбу инвестиция маблағларининг манбалари ичида асосийси суғурта ташкилотининг устав капитали ҳисобланиб, у суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини кенгайтиришида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун йиллар давомида суғурта ташкилотларининг устав капиталининг минимал миқдорлари ошириб келинмоқда.

Суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятининг нисбий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоби ва алоҳида олинган молиявий операцияларининг, шу жумладан, банк операциялари самарадорлигининг нисбий кўрсаткичлари ҳисобининг назарий жиҳатлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотлар асосида суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этиш сифатининг экспресс-диагностикасини ўтказиш учун нисбий кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.

Қуйида келтирилган жадвалда суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва сифатини экспресс-диагностикасини амалга ошириш учун нисбий кўрсаткичлар тизимини тегишли формулалар орқали аниқлаш юзасидан баҳо берилганлигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва сифатини экспресс-диагностикасини амалга ошириш учун нисбий кўрсаткичлар тизими¹⁰

Кўрсаткичлар	Формула	Талқини
1. Инвестиция қиймат маржаси	$K_1 = \frac{\text{ИСД}}{\text{ИХ}}$	Динамикада ўсиш ижобий баҳоланади ва инвестиция активларни жойлаштириш сифатининг ошганлигини кўрсатади
2. Ялпи инвестиция даромадида соф даромаднинг улуши	$K_2 = \frac{\text{ИСД}}{\text{ИД}}$	Динамикада ўсиш ижобий баҳоланади ва инвестиция фаолиятини сифатининг ошганлигини кўрсатади
3. Инвестиция даромади	$K_3 = \frac{\text{ИСД}}{\text{И}}$	Динамикада ўсиш ижобий баҳоланади ва инвестиция портфели сифатининг ошганлигини кўрсатади
4. Инвестиция даромадларнинг инвестиция харажатларига нисбати коэффиценти	$K_4 = \frac{\text{ИД}}{\text{ИХ}}$	Динамикада ўсиш ижобий баҳоланади ва инвестиция активларини жойлаштириш сифатининг ошганлигини кўрсатади
5. Инвестиция харажатларнинг инвестиция даромадларига нисбати коэффиценти	$K_5 = \frac{\text{ИХ}}{\text{ИД}} = \frac{1}{K_4}$	Динамикада ўсиш салбий баҳоланади ва инвестиция активларни жойлаштириш сифатининг пасайганлигини кўрсатади

3-жадвалда суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва сифатининг экспресс-диагностикасини амалга ошириш бўйича инвестиция қиймат маржаси, ялпи инвестиция даромадида соф даромаднинг улуши, инвестиция даромади, инвестиция даромадларнинг инвестиция харажатларига нисбати, инвестиция харажатларнинг инвестиция даромадларига нисбатини аниқловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, бу кўрсаткичлар суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш йўналишлари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида суғурта ташкилотларининг инвестиция имкониятини кенгайтириш шароитида Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган, институционал инвестор сифатида суғурта ташкилотларини таснифлаш амалга оширилган ҳамда чет эл мамлакатлари ва Ўзбекистон суғурта ташкилотларида молиявий ресурсларни жойлаштиришнинг нисбий таҳлили амалга оширилган.

Иқтисодиётнинг суғурта сектори ривожланишининг қамровини тавсифловчи асосий статистик индикатор йиллар давомида суғурта ташкилотлари томонидан суғурта бозорида йиғилган ялпи суғурта мукофотлари ҳисобланади. Суғурта бозорида суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий шакллари бўйича йиғилган суғурта мукофотлар динамикаси йиллар давомида ошиб бормоқда.

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу жадвал маълумотлари орқали биз Ўзбекистон суғурта бозорида суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий шакллари бўйича йиғилган жами суғурта мукофотларининг динамикасини кўришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари динамикаси¹¹
(млрд.сўм)

Суғуртани амалга ошириш шакллари	Йиллар					2013 йилга нисбатан 2017 йилда ўсиш %
	2013	2014	2015	2016	2017	
Ихтиёрий суғурта	235,5	300,7	329,0	485,0	694,0	294,7
Мажбурий суғурта	103,0	138,4	186,7	207,6	233,4	226,6
Жами	338,5	439,1	515,7	692,6	927,4	274,0

4-жадвалда 2013-2017 йиллар давомида суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари сезиларли даражада ошиб борганлигини кўриш мумкин. 2017 йилда суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари 927,4 млрд.сўмни ташкил этиб, базис йилга нисбатан 2,7 бараварга ошган. Шунингдек суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг улуши 2013 йилга нисбатан 2017 йилда 294,7 фоизга ёки 458,6 млрд.сўмга ошган бўлса, мажбурий суғурта тури бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг улуши 2013 йилга нисбатан 2017 йилда 226,6 фоизга ёки 130,4 млрд.сўмга ошган.

Умуман олганда суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг ўсишга сўнгги икки йилда ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта ташкилотлари сони ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ошганлигини асосий омил сифатида эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга суғурта бозорида амалга оширилган суғурта туловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улушини қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Суғурта бозорида амалга оширилган суғурта туловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши¹²

Йиллар	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Суғурта туловлари (млрд.сўм)	Суғурта туловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улуши, (% да)	Олдинги йилга нисбатан ўсиш (+) ёки камайиш (-) (% да)
2013	338,5	66,9	19,7	+3,0
2014	439,1	74,6	16,9	-2,8
2015	515,7	111,0	21,5	+4,6
2016	692,6	130,5	18,8	-0,5
2017	927,4	269,9	29,1	+10,3

¹¹ <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹² <http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

5-жадвалда суғурта бозорида амалга оширилган суғурта тўловларининг йиғилган суғурта мукофотларига нисбатан улуши келтирилган бўлиб, 2013 йилда суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улуши 19,7 фоизни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 3,0 фоизга ўсган. 2017 йилда эса суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбатан улуши 29,1 фоизни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 10,3 фоизга ўсган. Суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажмининг ошишида ҳаёт суғуртасидаги ўсиш катта ўрин тутган. Ўзбекистонда белгиланган солиқ имтиёздан келиб чиққан ҳолда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси бирмунча кенгайди. Ушбу суғурта турида йиғилган суғурта мукофотларининг суғурта шартномаси муддати тугагандан кейин суғурталанувчиларга тўлиқ қайтарилиши муносабати билан 2017 йилда амалга оширилган суғурта тўловлар ҳажми сезиларли даражада ўсиш юз берган.

Суғурта ташкилотларининг хусусий капиталини ташкил этувчи бошқа манбалар ҳам бўлиб, булар кўшилган капитал, захира капитал, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ҳамда келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар ҳисобланади. Суғурта ташкилотларида мазкур маблағлар ҳажмининг кўпайиши ҳам суғурта ташкилотининг инвестиция имкониятини оширади. Суғурта захиралари суғурта фаолияти жадал ривожланаётган суғурта ташкилотларида ортиб боради ва бу ҳолат, уларнинг инвестиция фаолиятининг кенгайишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Суғурта ташкилотларининг суғурта захиралари, хусусий капитал ва активларининг ўсиш динамикасини қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

Суғурта ташкилотларининг суғурта захиралари, хусусий капитал ва активларининг ўсиш динамикаси¹³ (млрд.сўм)

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар					2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўсиши
		2013	2014	2015	2016	2017	
1.	Суғурта захиралари	247,8	345,8	428,4	566,7	766,0	518,2
2.	Хусусий капитал	467,2	523,0	595,3	654,5	1118,3	651,1
3.	Активлар	690,0	871,5	1043,5	1183,5	2009,7	1319,7

6-жадвалда суғурта захираларининг 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўсиши 309,1 фоиз, хусусий капиталнинг ўсиши 239,4 фоиз, активларнинг ўсиши 291,2 фоизни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 2017 йилда инвестициялар ўсиши 281,5 фоизни ташкил этган. Демак, инвестиция манбаларнинг ўсишига нисбатан инвестицияга йўналтирилган маблағларнинг ўсиши нисбатан пастроқ кўрсаткичга эга бўлган. Бундай паст кўрсаткич

¹³<http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

суғурта ташкилотлари инвестиция имкониятларидан тўлик фойдаланмаётганлигидан далолат беради.

Ривожланган мамлакатлар суғурта ташкилотларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, улар нафақат суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлган операциялар, балки инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган операциялар билан ҳам самарали шуғулланади. Масалан Буюк Британия, Италия, Германия давлатлари суғурта ташкилотларини активлари инвестиция портфелининг ўртача тузилишини қуйида келтирилган жадвал маълумотларида кўриш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал

Ривожланган мамлакатларнинг суғурта ташкилотларини инвестиция портфелини тузилиши (2014 йил)¹⁴(фоизда)

Мамлакатлар		Буюк Британия	Италия	Германия
Суғурта ташкилоти активлари				
1.	Давлат қимматли қоғозлари	23	11,7	9,6
2.	Корпоратив қимматли қоғозлар	42,3	19,4	58,2
3.	Ипотека	14,2	-	18,8
4.	Кўчмас мулк	9,3	32,9	12,2
5.	Полис бўйича берилган қарзлар	1,2	1,6	1,2
6.	Бошқа активлар	10	34,4	-
Жами:		100	100	100

7-жадвалда Буюк Британия суғурта ташкилотлари инвестиция портфелининг асосий қисмини, яъни 42,3 фоизини корпоратив қимматли қоғозлар ташкил этганлигини кўриш мумкин. Кейинги ўринларни давлат қимматли қоғозлари (23 %) ва ипотекага (14,2 %) йўналтирилган маблағлар ташкил этган. Германия суғурта ташкилотларида ҳам инвестиция маблағларининг асосий қисми (58,2 %) корпоратив қимматли қоғозларга йўналтирилган. Ушбу мамлакатлар ичида Италия суғурта ташкилотлари ажралиб туради, уларнинг инвестиция портфели таркибида бошқа активлар (34,4%) ва кўчмас мулкка (32,9%) йўналтирилган маблағлар асосий қисмини ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатларни суғурта ташкилотларининг инвестиция портфелини асосан корпоратив қимматли қоғозлар, хусусан, узоқ муддатли инвестициялар кўринишида жалб қилинган корпоратив облигациялар ташкил этади.

Суғурта ташкилотлари, одатда молиявий ресурсларини инвестиция рискларини минималлаштириш мақсадида катта корпорацияларнинг қимматли қоғозларига жойлаштиришади. Мазкур қимматли қоғозлар юқори даромадлилиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари ва умумий суғурта турлари билан шуғулланувчи суғурта ташкилотларининг инвестиция портфеллари

¹⁴<https://www.apsei.org.pt> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

таркибида сезиларли фарқлар мавжуд эмас. Бунинг сабаби, биринчидан, мамлакатда узоқ муддатли инвестиция объектлари етарли даражада шаклланмаган, иккинчидан ҳаёт суғуртаси эндигина ривожланаётган бўлиб, мазкур суғурта турлари билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари томонидан тузилаётган суғурта шартномаларининг муддати асосан ўн уч ойни ташкил этади. Суғурта ташкилотлари томонидан тузилган суғурта шартномалари қанча узоқ муддатга тузилса, улар ихтиёрида бўлган катта миқдордаги пул маблағлари шунчалик даражада узоқ муддатли инструментларга жойлаштирилади. Суғурта ташкилотлари ихтиёрида бўлган бўш маблағларни инвестиция объектларига жойлаштириш белгиланган бўлиб, улар томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар динамикаси ва уларнинг ўсиши ёки камайишини белгилаб беради.

Ушбу жадвалда суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар динамикаси бўйича келтирилган маълумотларни кўриш мумкин (8-жадвал).

8-жадвал

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан инвестиция объектларига йўналтирилган маблағлар динамикаси¹⁵ (млрд.сўмда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2013 йилга нисбатан 2017 йилда нисбатан ўсиш (+) ёки камайиш (-)
	2013	2014	2015	2016	2017	
Инвестициялар, <i>шу жумладан:</i>	526,6	623,7	758,1	867,5	1482,6	281,5
1. Депозитлар, (%да)	45,2	47,1	46,8	45,0	45,2	0,0
2. Қимматли қоғозлар, (%да)	44,4	40,2	39,6	41,4	43,4	-1,0
3. Қарз бериш (%да)	0,9	1,1	1,0	0,8	0,7	-0,2
4. Кўчмас мулк, (%да)	3,7	4,4	5,1	5,6	6,5	2,9
5. Ташкилотлар устав фондидаги иштироки, (% да)	5,0	7,0	6,7	7,0	4,1	-0,9
6. Бошқа инвестициялар, (%да)	0,8	0,2	0,8	0,2	0,1	-0,7

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестиция маблағларининг юқори даражада ўсиш суръати 2017 йилда юз берган бўлиб, ушбу йилда ўсиш 171 фоизни ташкил этган. Бундай ўсишнинг асосий сабабларидан бири жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси ҳажмининг ошганлиги билан белгиланади. Шунингдек инвестицияларнинг асосий қисми ҳар доимгидек банк депозитларига йўналтирилган бўлиб, бунинг сабаби биринчидан, суғурта ташкилотлари ва банклар ўртасидаги ҳамкорликнинг нисбатан кучайиб бораётганлигида бўлса, иккинчидан, бошқа соҳаларга нисбатан банк соҳасининг ишончли ва даромадли соҳа эканлигидир.

¹⁵<http://www.mf.uz> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти, ўсиш суръати юқорилиги ва ликвидлилик ҳамда молиявий риск даражасининг нисбатан пастлиги билан белгиланади. Назаримизда, бундай хусусиятлар бозор механизмлари ҳисобига эмас, балки давлатнинг мазкур соҳани тартибга солиш борасидаги ҳаракатлари ҳисобига шаклланган.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти бўйича даромадлиликнинг паст даражасини миллий суғурта бозорнинг ривожланган мамлакатлар бозорларидан фарқли жиҳатларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бундай ҳолатни молия бозоридаги инвестиция инструментлари хилма-хиллигининг етарли эмаслиги (фонд бозорининг ривожланмаганлиги) ҳамда суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятига иккинчи даражали фаолият сифатида қараётганликлари билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматларининг мамлакат бўйлаб тақсимланишида концентрация даражаси юқорилигича қолмоқда ва унинг нисбати янада ортиб бормоқда. Масалан 2013 йилда суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг 52,1 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 55,6 фоизни ташкил этган¹⁶. Бу ҳолат суғурта хизматларининг мамлакат ҳудудларида яхши ривожланмай қолаётганлигини бидиради ва бу умуман суғурта бозори ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ўз ўрнида инвестиция ҳажмига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Суғурта ташкилотларини инвестиция фаолиятининг самарадорлигини алоҳида олинган суғурта ташкилотлари мисолида кўриш мақсадида “ALSKOM” суғурта ва “KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” акциядорлик жамиятларининг инвестиция фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар ўрганилган. Буни қуйида келтирилган 9-10-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (9-жадвал).

9-жадвал

“ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағлар динамикаси¹⁷ (млрд.сўм)

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар					2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўсиши (%)
		2013	2014	2015	2016	2017	
1.	Суғурта хизматларидан соф тушум	15,5	19,9	26,7	31,2	38,4	247,0
2.	Суғурта хизматларидан соф фойда	7,1	7,8	10,1	9,6	9,1	126,6
3.	Инвестициялар ҳажми	21,5	31,1	36,1	45,2	50,7	235,7
4.	Инвестициядан фойда	1,5	1,6	1,6	2,5	2,9	301,0
5.	Жами фойда	8,2	9,4	11,6	12,2	12,1	147,6
6.	Жами фойдада инвестиция фойдасининг улуши, (% да)	12,0	17,4	14,1	20,8	24,6	205,0

